АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КАНАЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

М.Мамажонов

Мақолада Андижон вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи каналларнинг қурилиш тарихи, географияси, сув сарфи, экотизим ва микроиқлимнинг шаклланишига таъсири, вилоят аҳолисининг сувга эҳтиёжини қондиришдаги роли ёритилган.

***Калит сўзлар**: канал, қурилиш, сув сарфи, ўзан, суғориш, дюкер, гидроузел.*

В статье освещена история строительства, география, расход воды, влияние на формирование экосистемы и микроклимата протекающих по территории Андижанской области каналов.

***Ключевые слова**: канал, строительство, расход воды, русло, орошение, дюкер, гидроузель.*

The article highlights the history of construction, geography, water consumption, the impact on the formation of the ecosystem and microclimate flowing through the territory of the Andijan region channels.

***Key words:** canal, construction, water flow, bed, irrigation, dyker, hydraulic unit.*

Шаҳрихонсой канали Андижон вилояти ҳудудидан Қирғизистон Республикаси чегараси бўйлаб 108,3 км масофада оқиб ўтади. Шаҳрихонсой Хонобод шаҳрининг жануби-ғарбида Қорадарёдан сув олади ва Шаҳрихон шаҳри ҳудудида Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналига қуйилади. Шаҳрихонсой табиий ўзанга эга бўлмасдан, иккинчи даражали сув иншооти ҳисобланади. Унинг энг кўп сув сарфи секундига 240 м^3 га, доимий сув сарфи секундига 190 м^3 га, энг оз сарфи секундига 40 м^3 га тенг бўлиб, асосан, Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод, Булоқбоши, Асака ва Шаҳрихон туманлари ҳудудидаги 130,2 минг гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларини, боғ ва токзорларни суғоришга, юз минглаб аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириб, саноат ва транспорт тизимини сув билан таъминлайди. Бундан ташқари, ўзан бўйлаб ҳудудларда экотизимнинг шаклланишига, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг яшашига, ривожланишига, атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишига ҳамда рекрацион ресурсларни барпо қилишга, микроиқлимнинг юзага келишига хизмат қилади. Албатта, канал ўзанида оқиб бораётган сувнинг маълум бир қисми ҳавога буғланиб, ҳаво намлигини меъёрлаштиришга, маълум бир қисми эса тупроққа сингиб, ер ости сувларининг юзага келишига таъсир қилади.

Шаҳрихонсой Норин-Қорадарё ҳавза ирригация тармоқлари бошқармаси тизимига кириб, унинг бош лойиҳачиси «Фарғона гипроводхоз» ҳисобланади. Бош пудратчиси – «Андижонирстрой». Шаҳрихонсой 1814-1821 йилларда қўл меҳнати билан қазилган, 1978 ва 1982 йилларда қайта таъмирланиб, янги-янги сув иншоотлари қурилган.

Шаҳрихонсой ўзани бўйлаб 111,3 км инспекторлик йўли мавжуд, унинг 73,1 км узунликдаги қисми қаттиқ қопламали. Канал ўзанида битта бош йўналтирувчи, 9 та ҳимоя воситаси қурилмаси, 50 та сув ўтказиш дарвозалари, 32 та автомобиль, 5 та темирйўл кўприклари, 1 та канал ости дюкер (сув ўтказгичи), 2 та табиий офат ташламаси, 6 та тезкор ташлама, 17 та сув чиқариш қурилмалари барпо этилган бўлиб, бу иншоотлар канал ҳаёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳрихонсой канали тарихий сув иншооти ҳисобланади. У Қўқон хонлиги даврида, ҳозирги Шаҳрихон тумани ҳудудини ўзлаштириш ва аҳолини кўчириб келиб жойлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигини, боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида қўл кучи билан қазилган. Шунинг учун ҳам Шаҳрихон номи билан боғлиқ ҳолда Шаҳрихонсой деб аталади.

Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали – Фарғона водийсида қурилган энг йирик гидротехника иншоотларидан бири. Канал Ўзбекистонда 283 км, Тожикистонда 62 км, Қирғизистонда 13 км ҳудудлардан оқиб ўтади. Ўзанининг асосий узунлиги 358 км га тенг бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш даврида Норин дарёсидан 420 м^3/секунд, Қорадарёдан 100 м^3/секунд, Сўх дарёсидан 12 м^3/секунд, жами дарёлардан 532 м^3/секунд сув олади. Канал трассаси 2 трактдан иборат, Юқори Норин тракти 44 км узунликда Учқўрғон шаҳри яқинидан бошланиб Куйганёргача етиб боради. Қуйи Қорадарё тракти 314 км Қорадарёга қурилган Куйганёр тўғонидан бошланиб, Сирдарё билан деярли ёнма-ён ҳолда жанубда Тожикистон Республикаси Хўжанд шаҳри яқинигача Қайроққум сув омборидан қуйироқда давом этган.

Канал қурилиши 1939 йил август ойида бошланиб, халқ ҳашари билан жуда қисқа муддатда – 45 кунда якунланди. Канал қурилишида 160 минг киши иштирок этиб, ўзанидан 17,8 млн м^3 тупроқ қазиб чиқарилган. Шундан 1,7 млн м^3 тупроқ механизмлар ёрдамида. Ўзаннинг оғир участкаларида 14 та экскаватор, 245 та трактор, 420 автомашиналардан фойдаланилган. Ўзан қирғоқларининг хавфли жойларини мустаҳкамлаш мақсадида 42,2 минг м^3 бетон ишлари бажарилган. Ўша даврда ўзанда 45 та йирик ва 275 та кичик гидротехника иншоотлари қурилган. Канал Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудидаги 500 минг гектар суғориладиган ерларнинг суғориш имкониятини яхшилайди. Унинг асосий ўзани узунлиги 358 км га тенг. Канал Ўзбекистон Республикасининг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудларидан оқиб ўтади ҳамда Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Қамишбоши қишлоғи атрофида Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб, Тожикистон Республикаси Хўжанд вилояти Конибодом шаҳрининг шимолидаги Қайроққум сув омборига қуйилади. Канал юқори қисмида Избоскан тумани Чувама қишлоғида Қорадарёга қўшилиб, Куйганёр гидроузелида яна дарёдан ажраб чиқади. Катта Фарғона канали Андижон вилоятининг Избоскан, Андижон, Олтинкўл, Шаҳрихон туманлари ҳудудидан оқиб ўтади, каналнинг энг кўп сув сарфи секундига 180 м^3, меъёрий сарфи 165 м^3, энг оз сарфи 8,0 м^3 ни ташкил этади. Каналнинг 24,53 км масофаси бетонлаштирилган. Канал суви етиб бориб, суғориш имкони бўлган майдон 197257 гектарни ташкил қилади, каналнинг бош лойиҳачиси «Сазводпроиз» институти ҳисобланиб, бош пудратчи халқ қурилиши бўлган, канал 1953 ва 1970 йилларда (реконструкция) қайта таъмирланган.

Катта Фарғона канали Фарғона водийси магистрал каналлар тизими бош бошқармаси тасарруфида бўлиб, уни назорат қилади ва фойдаланади. Канал ўзани бўйлаб 250,4 км масофада инспекторлик йўли қурилган, шундан 215,6 км асфальтланган. Йўлдан канални тўла назорат қилиш ишларида фойдаланилади. Канал ҳавзасини бошқариш тўла автоматлаштирилган бўлиб, алоқа воситалари билан таъминланган.

Катта Фарғона каналининг қўшимча сув манбаи биринчи даражали Норин дарёси ҳисобланиб, Наманган вилояти Учқўрғон шаҳрининг жанубий-ғарбида Норин дарёсидан сув олиб, 13 км масофада оқиб, сувининг асосий қисмини Катта Андижон каналига беради, маълум қисми Катта Фарғона каналига қўшимча сув манбаи сифатида қўшилади. Қўшимча тўйиниш манбаи ҳисобланган бу канал биринчи даражали ҳисобланиб, энг кўп сув сарфи секундига 330 м^3 га тенг, меъёрий сув сарфи секунди 310 м^3, энг оз сарфи эса 8,0 м^3 ни ташкил этади, ушбу канал ўзани тўлалигича бетон қоплама билан қопланган. Канал суви етиб бориб суғориш имкони бўлган майдон 168844 минг гектарни ташкил этади. Каналнинг бош лойиҳачиси «Узгипроводхоз» институти, бош пудратчиси эса «Узглаводстрой» трестидир. Канал, асосан, 1958-1959 йилларда қурилган, 1970 йилда қайта таъмирланган бўлиб, жуда катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Канал Сирдарё сув ҳавзаси бош бошқармаси тасарруфига қарайди. Канал қирғоғи 13 км ли хизмат йўли билан таъминланган бўлиб, йўлнинг тўласича қаттиқ коплама билан қопланган. Йўл канал фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Канал ўзани бўйлаб бир қанча иншоотлар қурилган. Жумладан, Катта Фарғона каналида 3 та бош йўналтирувчи, 10 та ҳимоя тўсиш қурилма иншоотлари, 422 та сув ўтказгич, 104 та автомобиль кўприклари, 7 та темирйўл кўприклари, 2 та канал ости сув ўтказиш дюкерлари, 53 та акведук, 5 та табиий офат (сув тошқини) содир бўлиш хавфи бўлганда фойдаланиладиган ташлама, 6 та тез оқимга эга бўлган шовва, қўшимча тўйиниш манбаи ҳисобланган 13 км ли каналда эса 1 та бош йўналтирувчи иншоот, 3 та ҳимоя тўсиш қурилма иншоотлари, 5 та сув ўтказгич, 5 та автомобиль кўприклари, 1 та темирйўл кўприги, 1 та канал ости сув ўтказувчи дюкер мавжуд бўлиб, булар каналларни мунтазам равишда назорат қилиш, бошқариш, тақсимлаш, хавфсизлигини таъминлаш ишларида ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Канал суви нафақат қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш, балки жамиятнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга, жумладан: саноат, транспорт, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжларини, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ҳамда водийнинг иқлим хусусиятини яхшилашга хизмат қилади. Канал 358 км масофага юзлаб аҳоли манзилгоҳлари оралаб оқади, бу эса шу аҳоли манзилгоҳларининг обод ва кўркам бўлишида, аҳолининг маданий дам олишлари учун рекрацион ресурс сифатида ҳам хизмат қилади.

Бузрукхўжа Усмонхўжаев номидаги Катта Андижон канали – Фарғона водийсида барпо қилинган йирик сув иншоотларидан яна бири. Канал Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари ҳудудларидан оқиб ўтади. Узунлиги 109,1 км, Наманган вилоятининг Учқўрғон шаҳри яқинида – Норин дарёсидан бошланади ва Марказий Фарғона бўйлаб оқиб, Фарғона вилояти Бағдод тумани чегарасига

етиб бориб, шимолий Бағдод коллекторига ташлама сифатида сувини қуяди. Канал қурилишида Катта Фарғона каналининг чап соҳил ростлагичи суволғич бош иншооти тарзида фойдаланилган бўлиб, умумий суғориш майдони 140,6 минг гектарни ташкил этади.

Каналнинг бош қисмида сув сарфи 300 м^3/с бўлиб, амалда 200 м^3/с га тенг, каналнинг меъёрий сарфи 180 м^3/с бўлса, энг озайган миқдори 72 м^3/с ни ташкил этади.

Канал Фарғона иқтисодий райони халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. У энг аввало қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик соҳалари учун банд ерларни суғоришга хизмат қилса, саноат, транспорт, маиший соҳаларни ривожлантиришда, асосийси, аҳолининг сувга эҳтиёжини қондиришда, қолаверса, ўзан бўйлаб микроиқлимни шакллантиришда жуда аҳамиятлидир.

Каналнинг магистрал қисмида ва тармоқ қисмларида 706 та ҳар хил гидротехник инженерлик иншоотлари қурилган, бу иншоотлар каналнинг фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 1 та бош йўналтирувчи, 12 та ҳимоя тўсиш қурилма иншоотлари, 27 та сув ўтказгич, 23 та автомобиль йўли кўприклари, 9 та пиёдалар ўтиш кўприклари, 5 та акведук, 5 та канал ости трубалари, 13 та канал ости дюкерлари қурилган. Каналнинг Қорадарёни кесиб ўтиш жойида Чинобод дюкери қурилган ва 2,5 км масофадаги тезоқар қисми ўзанига бетон ётқизиқларидан иборат бўлиб, ўзан тагини ўйиб кетишдан сақлайди ва сувнинг равон оқишини таъминлайди.

Каналнинг бош лойиҳачиси «Узгипроводхоз» институти, бош пудратчилари «Андижонводстрой» ва «Ферганаводстрой» трестлари ҳисобланади. Канал 1966-1970 йилларда қурилган, баъзи жойлари 1970 йилда қайта реконструкция қилинган бўлиб, дастлаб Марказий Фарғона канали деб аталган. 1970 йилда Катта Андижон канали тўла ишга туширилиши муносабати билан номи ҳам ўзгартирилган. Унинг Охунбобоев (узунлиги 23 км), Аччиққўл (узунлиги 22 км), Сўх (узунлиги 23 км) тармоқлари суви Марказий Фарғонадаги авалдан ўзлаштирилган ва илгари Катта Фарғона каналидан суғорилган 80 минг гектар ерни ва янги ўзлаштирилган 61 минг гектар экин майдонини сув билан таъминлайди.

Канал сувидан Наманган вилоятининг Уйчи, Наманган туманлари ҳудудидаги 44,0 минг гектар, Андижон вилоятининг Баликчи, Улуғнор, Шаҳрихон, Асака туманларидаги 44,6 минг гектар, Фарғона вилоятининг Охунбобоев, Учкўприк, Бағдод ва Риштон туманлари ҳудудидаги 52,0 минг гектар экин майдонларини суғоришда фойдаланилади. Каналга 1977 йилда Ўзбекистонда сув иншоотлари қурилишининг фаол намояндаларидан бири Бузрукхўжа Усмонхўжаев номи берилган.

Жанубий Фарғона канали Андижон вилоятидаги йирик ирригация иншоотларидан ҳисобланади. Канал Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ҳудудидан оқиб ўтади. Олой тоғларидан оқиб тушадиган сойлар сувини тартибга солиш, Андижон, жумладан, водийнинг шарқий ва жанубий қисмида сув таъминотини яхшилаш мақсадида 1940 йил халқ ҳашари йўли билан қазилган гидротехник иншоот ҳисобланади. Канал Шаҳрихонсой каналининг (Қорадарёнинг чап соҳилида) йирик шаҳобчаси. Канал дастлаб Исфайрамсойдаги Бешолиш узелигача қазилган бўлиб, кейинчалик Марғилонсойгача давом эттирилган.

Канал фаолиятига эҳтиёж ортганлиги туфайли 1946 йилда ўзан давом эттирилиб, Олтиариқсойгача етказилиб, каналнинг умумий узунлиги 119,4 километрга узайтирилган. Каналнинг эни бошланиш қисмида 12 метр, қуйи қисмида 2 метрни ташкил этади.

Канал иккинчи даражали сув иншооти ҳисобланиб, энг юқори сув сарфи 110,0 м^3/секундга, меъёрий сув сарфи 90,0 м^3/секундга, энг оз сув сарфи 5,0 м^3/секундга тенг, жами 66,2 минг гектар майдонни сув билан таъминлайди. Канал сувининг исроф бўлиб кетмаслиги учун ўзаннинг 111,8 км и тўла бетонлаштирилган.

Канал бош лойиҳачиси – «Узгипроводхоз», бош таъмирловчиси – «Фарғонагипроводхоз». 1969-1985 йилларда канал қайта таъмирланган.

Канал Фарғона водийси каналлар бош бошқармаси тасарруфида бўлиб, каналдан фойдаланиш, уни доимий назорат қилиш ишларини амалга оширади. Канал бўйлаб 125 км масофада инспекторлик йўли мавжуд, унинг 60 км қисми асфальтланган. Канални бошқариш ва назорат қилиш ишлари тўла автоматлаштирилган, алоқа ва радио тизими билан таъминланган.

Канал ўзани бўйлаб бир нечта иншоотлар ва техник воситалар қурилган бўлиб, улар жуда муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Жумладан, 1 та бош йўналтирувчи, 12 та мудофаа қурилмалари, 162 та сув ўтказгичлар, 3 та сув кўтаргич насос станциялари, 31 та автомобиль йўл кўприклари, 4 та темир йўл кўприклари, 1 та акведук, 32 та сел жараёнидан ҳимоя қиладиган ўтказгичлар, 3 та фавқулодда ҳодиса юз берганда фойдаланиладиган ташлама, 8 та тез ўтказгич

воситалари, 21 та шовва ва 8 та сувнинг чиқиш жойлари мавжуд бўлиб, улар каналдан фойдаланишнинг техник хавфсизликларини таъминлашга хизмат қилади.

Жанубий Фарғона каналининг бош иншооти Шаҳрихонсойнинг бошланиш қисми ҳисобланиб, шарқдан ғарбга томон оқиб боради. У Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод, Булоқбоши, Марҳамат туманлари ҳудудларида жойлашган ўнлаб қишлоқларни оралаб, шу қишлоқ ва маҳаллаларда яшаётган юз мингдан ортиқ аҳолининг сувга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириб, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг кўпгина тармоқларини сув билан таъминлайди. Андижон вилояти ҳудудидан оқиб ўтаётган барча сув иншоотларининг энг муҳим вазифаларидан бири аҳолини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

Савай канали Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти ва Ўзбекистон Республикасининг Андижон вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи, Қорадарёдан сув олувчи учинчи даражали сув иншооти ҳисобланади. Каналнинг умумий узунлиги 47,4 км ни ташкил қилади, ўзаннинг 1,7 км масофаси бетонлаштирилган. Бошланиш қисмида энг кўп сув сарфи 44 м^3/секундга тенг, меъёрий сарфи 32 м^3/секунд бўлиб, сув сарфининг энг озайган пайтида 7 м^3/ секундга тушиб қолади. Канал, асосан, қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришга, канал ҳудудида жойлашган саноат корхоналарининг ва аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Канал Қирғизистон Республикаси ҳудудида 3,7 минг гектар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 16,2 минг гектар экин майдонларини, боғларни, токзорларни суғоради.

Канал 1930-1933 йилларда қуриб битказилган бўлиб, у 2000 йилда қайта тўла реконструкция қилиниб, ўзанлар қайтадан чуқурлаштирилган, баъзи жойлари кенгайтирилган. Сув оқими жадаллаштирилиб, ундан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилган. Канални бош таъмирловчи институт «Фарғона гипроводхоз» ҳисобланади, уни бошқариш ва ундан фойдаланувчи (эксплуатация қилувчи) ташкилот «Андижонводстрой» трестидир. Канал асосан Норин-Қорадарё ҳавза бошқармаси ирригация тармоқлари бошқаруви тасарруфида бўлиб, ўзан бўйлаб 47,4 км масофада инспекторлик йўли қурилган. Канал тўла автоматлаштириш тизимига уланган ва алоқа воситалари билан таъминланган.

Каналда кўплаб бошқарув, назорат қилиш, тақсимлагич ва гидротехник ҳамда ижтимоий-иқтисодий инженерлик иншоотлари қурилган. Жумладан: 1 та бош йўналтирувчи, 3 та гидроузел, 1 та айланиб ўтувчи ўзаннинг тақсимлагичи, 48 та сув ўтказиш қурилмаси, 11 та автомобиль йўл кўприклари, 2 та темирйўл кўприклари, 1 та канал устидан ўтувчи, 4 та канал остидан ўтувчи дюкерлар, 7 та фавқулодда фалокат ташламаси, 12 та сувларни чиқарувчи қурилмалар ва 3 та акведук қурилган бўлиб, бу иншоотлар нафақат канал фаолиятини бошқариш учун, балки иқтисодий-ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган инженерлик қурилмалари ҳисобланади, улар жамиятнинг ривожланишида, аҳолининг сув ресурсларидан унумли фойдаланишида ҳамда аҳолининг хавфсиз яшаши учун хизмат қилади.

Канал Кампировот гидроузелидан бошланиб, вилоятнинг Булоқбоши тумани ҳудудида жанубий Фарғона каналига қўшилгунга қадар ўнлаб қишлоқларни ва юзлаб маҳаллаларни оралаб оқади ва бу манзилгоҳларга ҳаёт бағишлаб, ўзан бўйлаб микроиқлимни ва рекрацион ресурсларни ташкил қилади.

Адабиётлар:

1. Мадумаров Т.А., Мамажонов М., Маматюсупов А.Ш., Исаев А. Андижон вилояти ўлкашунослик атласи.- Т., 2015.

2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси.- Т.: Ўқитувчи, 1996.

3. Караулов Н.А. Водноэнергетические ресурсы рек Южной Ферганы (Акбура-Лайляк) // Тр. ТПЭАН СССР. – 1965. Вып. 78.

4. Мўминов Ф.А., Абдуллаев Х.М. Агроклиматические ресурсы Республики Узбекистан.- Т.: ЎзР Бошгидромет, 1997.

Андижон давлат университети,
2017 йил 18 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Р.Қодиров)